


Гулрухсор ОМОНДИНОВА

ОРЗУЛАР БЕКАТИ

(Шеърлар)



«Фарғона» нашриёти,
2013 йил



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

О-56

918.9005

Омондинова Г.

ОРЗУЛАР БЕКАТИ/Шеърлар/ Фарғона: Фарғона нашриёти,
2013 йил – 32 б.

Шеърят ўз ихлосмандларининг дунёқарашини кенгайтиради, туйғуларига нафислик баҳси этади ва ҳаёт, инсон ҳақида жиддий фикрлар юритишига ундайди. Шу боисдан бўлса керак, мазкур китоб муаллифи ҳали ёш бўлишига қарамай, қўрган-билганлари, эшитганларидан жўяли хулосалар чиқаришига интилади. Унинг айни кечинмалари, шунингдек, муҳаббат қувонч ва изтиробларидан ҳикоя қилувчи дил номалари ҳам кўнгиллarga кириб бора олишига умид қиламиз.

ISBN 978-9943-349-51-3

42187

10 0

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

2014/8 А 590	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

©«Фарғона» нашриёти – 2013 й.

ОНАМСАН, ВАТАН!..

*Кўзим ичидаги қароғим, Ватан,
Боболар кўтарган байроғим, Ватан,
Оқар сувлари бол, қаймоғим, Ватан,
Менинг онам ўзинг, яғонам ўзинг.*

*Қўлимда сени деб тебранар қалам,
Яшнаб очилади қирларда лолам,
Жарангдор созимсан, дилбар таронам,
Менинг онам ўзинг, яғонам ўзинг.*

*Бағрингдан олисга кета олмасман,
Сенсиз мақсадимга ета олмасман,
Меҳрингсиз бир сатр бита олмасман,
Менинг онам ўзинг, яғонам ўзинг.*

*Тупроғинг кўзимга айлаб тўтиё,
Бутун вужудимга таралар зиё,
Озод, обод бўлгин, юксал доимо,
Менинг онам ўзинг, яғонам ўзинг.*

Кўзим ичидаги қароғим, Ватан!..

СУЯНЧ ТОҒИМ

*Тупроғини ўтиб она юртимнинг,
Кўм-кўк майса каби айласам эъзоз,
Шодликдан кўкларга етади бошим,
Дилда ифтихорим жўшиб кетар, рост.*

*Тинчлик деб яшнаган дарахларига
Жонга жон кўнгувчи илдиз бўламан.
Мусаффо, сокин тун бағрида яйраб,
Нур бериб чақнаган юлдуз бўламан.*

*Ёки шўх, ўйноқи ирмоқ мисоли
Ташна боғларини қондира олсам,
Ҳаётим касб этар ажиб бир мазмун,
Меҳр оловини ёндира олсам.*

*Қўлимдан келганча қилай хизматинг,
Ҳаққинг бор, ҳар неки ишга буюрсанг.
Бахтим шунда эрур, жонажон юртим,
Мен-чун мудам суюнч тоғ бўлиб турсанг.*

БАҒИШЛОВ

*Отамдек улуғсиз, устозим менинг,
Қалбимни ёритди меҳрингиз— чироқ,
Қабул этинг энди дил розим менинг,
Изладим, сиздек дўст топмадим бироқ.*

*Мен-чун дунёда энг азиз зотдирсиз,
Бахтга йўллагингиз тутиб қўлимдан.
Ҳар каломи болдек лазиз зотдирсиз,
Ногаҳон нур бўлиб чиққан йўлимдан.*

*Ўғит, сабогингиз қалбга этиб жо,
Фақат юксалдим мен, ҳеч бўлмадим кам.
Мана, ишонч билан, адашмай асло
Орзулар йўлида боряпман илдам.*

*Сиздан миннатдорман барчаси учун,
Нурли сиймоингиз мангу ёдимда.
Ич-ичимдан англаб етяпман бугун,
Сизнинг ўрнингизни ўз ҳаётимда.*

*Отамдек улуғсиз, устозим менинг,
Қабул этинг энди дил розим менинг...*

ОРЗУЛАР БЕКАТИ

Гоҳо етолмаймиз орзунни қувиб,
Ердаги изларин яширади қум.
Келинлар, нурафшон хайлар суриб,
Орзули бекатга қайтайлик бир зум.

Бир дилни бир дилга боғлайди орзу,
Жим турсанг, олисга олиб кетади.
Бир сенмас, қалбингда улкан ҳисларинг
Ҳаттоки фалакда ойга етади.

То улар бор экан, диллар хотиржам,
Ўзин оламида ўзгача яшар.
Аста чекинади сукунат ва гам,
Орзулар оппоқ бир гунчага ўхшар.

Орзулар, келингиз қўлингиз тутиб,
Сизларга эргашиб олис кетаман.
Бари заҳматларим буткул унутиб,
Ёруғ манзилларга охир етаман.

САДОСИ БҮЛИБ НОЧЯҲШ

Тонг отар ҳаётнинг зиёси булиб,
Куйш шод, кўкларнинг шадоси булиб,
Мен эса битарман шеърлар, газаллар,
Беором кўнгишлар шадоси булиб.

Ҳой, менинг яқиним, азизим, инсон,
Бил ўзим бўлдинг ҳасониванга ҳасон,
Юрингиз ҳаминша кулиб, шодумон,
Юрингиз ҳаминша кулиб, шодумон.

Ҳаётда турфа хил донзиллар бисёр,
Турли хил йўллардан юрар одамлар,
Не иложки, кўзни юдиб-очгунча
Ўтиб кетиб қалай гапимат бўллар.

Кун ботар окшомнинг зиёси булиб,
Барг титрар томчининг шадоси булиб,
Мен эса битарман шеърлар, газаллар,
Юраклар қаърининг шадоси булиб.

ШУКРОНА

*Бугун борсан, эртага
Борлигингга шукур қил.
Кўксингдаги юракнинг
Урганига шукур қил.*

*Қариндошу яқинлар,
Гузал опа-сингиллар
Ёнгинагда бахтиёр
Юрганига шукур қил.*

*Озми, кўпми, берса ҳам,
Раҳмат дегин, кифоя.
Бир қаро нон бўлса ҳам,
Берганига шукур қил.*

*Тамошо қил самони,
Йўқдир унинг поёни,
Кўзинг гузал дунёни
Кўрганига шукур қил.*

*Сен билан ўртоқлашиб,
Ёнингга келса имкон,
У заррача бўлса ҳам,
Берганига шукур қил.*

ОЙ НОЛАСИ

*Гоҳо тунлари бедор,
Аста ўйга толаман.
Сокин, ойдин осмонга
Зимдан разм соламан.*

*Юлдузлар гўё недир
Демоқчидай бўлади.
Хурлардан-да гузал ой
Кузни олиб, тулади.*

*Эсиб майин шаббода,
Сочларимни силайди.
Сезаман, атрофимда
Хушбўй гуллар гуллайди.*

*Ақлимни этар мафтун
Туннинг ёруғ шуъласи.
Сирли титроққа солар
Шаббода – ой ноласи.*

*Менга сирларин айтиб,
Кўнглини бушатар ой.
Ким билсин, мендан ўзга
Дусти йўқдир, ҳойнаҳой...*

СЕН УЧУН

*Мана, хулласи калом,
Эртаги бўлди тамом,
Етди ухлашнинг пайти,
Она жим алла айтди.*

*Орам олсин танда жон,
Босмасин ҳеч ҳаяжон.
Мунгли алла сен учун,
Ухлайқол, эй болажон.*

*Ухла, ухлагин, ўғлон,
Орам олсин митти жон,
Ширин тушлар сен учун,
Сен учун бу кенг жаҳон.*

*Тушингда эртақдаги
Ботирларни курарсан.
Сен ҳам худди улардай
Бир кун кучга туларсан.*

*Сен учун бор имконни
Яратди ҳур ватанинг.
Муносиб эгаси бўл
Шундай гузал чаманнинг.*

*Ҳозирча орам олгин,
Аллага қулоқ солгин...*

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Қабристоннинг қаршисида ўйга толиб,
Ўз-ўзимга савол бериб турибман жим.
Бу дунёдан кетиб, дилга гамлар солиб,
Қабрларда сўз деёлмай ётганлар ким.

Оёғимиз остидаги ушбу тупроқ
Ўз бағрига не зотларни этди пинҳон.
Бу ўтқинчи дунё шундай, вафо қилмас,
Мангу умр кўролмайди ҳеч бир инсон.

Фақат яхши ишлар қилиб ўтганларнинг
Ёди мудом сақлангуси юракларда.
Улар экиб кетган гуллар яшнайверар,
Яшайдилар дуоларда, тилакларда.

Яхшиларга алам, озор етказганлар
У дунёда сира роҳат кўрмагайлар.
Ёмонликка берилгуси оғир жазо,
Жаннатларда қулиб, озод юрмагайлар...

Қабристоннинг қаршисида ўйга толиб,
Яна қайта савол бериб турардим жим...

ИЛҲОМИМ...

Нега келмай кўйдинг, нега, илҳомим,
Энди сени излаб қайларга борай.
Манзилинг тополмай, тентираб кезиб,
Ёки сойларгами кўнглимни ёрай.

Ёлғизликдан ўқсиб қолди қаламим,
Жуда ҳам соғинди оппоқ қоғозни.
Дилимни ўртайди чорасиз ғамим,
Эшитмасман ўша сирли овозни...

Сўрасам, ҳаттоки жимдир осмонлар,
Сенинг қайдалигинг берадмас айтиб.
На гуллар билади, на қушлар билар,
Келармисан бир бор қалбимга қайтиб.

Улкан дарёлардан шарқираган сув
Соғинч соҳилини ювиб ўтяпти.
Кунларимда гўё маъно қолмаган,
Қўлларимдан оғриқ, армон тутяпти...

Сеҳрли ва ширин ҳисларим уйғот,
Кел энди ёнимга, ошиқиб тезроқ.
Истарман, доимо ҳамроҳим бўлгин,
Юрагимдан асло кетмагин йироқ...

ГҶЗАЛ МУҲАББАТИМ...

*Гўзал муҳаббатим қалбингга ўра,
Агар у йўқ деса, қалбимдан сўра,
Табассуминг кўрай, севинчинг кўрай,
Мен учун қувонч йўқ, бил, бундан кўра.*

*Олгин, қўлларимда сўлмасин гунча,
Минг тикон тирнади уни тергунча,
Ишон, етиб ортар сабримнинг кучи,
Сени деб ҳаттоки жонни бергунча.*

*Юрагим бермоқда сенга бир савол,
Жавоб бер, алдама, ростинг дея қол,
Ёқандан тутади газабим, рашиким,
Оташин севгимни гар қилсанг увол.*

*Қалбинг муҳаббатим ўраган заҳот
Сени ўраб олар бахт билан ҳаёт.
Наҳот қўлдан берсанг шундай имконни,
Гўзал муҳаббатим рад этсанг, наҳот...*

БИЛМАДИНГИЗ

*Куз ёмгири кўз ёшларим ювиб ўтди,
Ҳижронингиз бағрим тилиб, юлиб ўтди,
Фарёдларим ҳатто осмон, ерни тутди,
Билмадингиз қадримни ҳеч, бевафо ёр.*

*Севгингизни гулгунчага ўраб севдим,
Ҳеч енгилмай, армонларни қийнаб севдим,
Севгингизни, сабрингизни синаб севдим,
Билмадингиз қадримни ҳеч, бевафо ёр.*

*Юрак бугун соғинчлардан тўлиб тошди,
Сабри йўқ деб қайгулар ҳам ҳаддан ошди,
Не сабаб деб тунлар ҳатто уйқум кочди,
Билмадингиз қадримни ҳеч, бевафо ёр.*

*Учратмасам сизни, эй ёр, бўлмасмиди,
Ўзга инсон билан бахтим кулмасмиди?
Севган юрак сизнингча бу дилмасмиди?
Билмадингиз қадримни ҳеч, бевафо ёр...*

КЕЛМАДИНГИЗ, ОНАЖОН...

*Хаста юрак кўникмоқда минг бир азоб, фироққа,
Бу дардисар армонлардан кетолмайман йироққа,
Ҳар бир босган қадамлар ҳам тутаверар сўроққа,
Бозбони йўқ бир гулзорман, келмадингиз, онажон,
Ғарибдурман, нечун ҳолим билмадингиз, онажон.*

*Таскин бериб ўз-ўзимга, эшик пойлаб тураман,
Йўл термулиб, минг ўргилиб, ширин хаёл сураман,
Қайлардасиз, меҳрингизсиз энди қандай юраман,
Ўз-ўзимдан мен безорман, келмадингиз, онажон,
Ғарибдурман, нечун ҳолим билмадингиз, онажон.*

*Не қилай, дард қозонида ёниб, кул бўлди жоним,
Минг бир афсус надомат-ла ўтмоқдадир ҳар оним,
Кечир, азиз она, дебон асло толмас забоним,
Бесарману бемадорман, келмадингиз, онажон,
Ғарибдурман, нечун ҳолим билмадингиз, онажон.*

*Маҳшар кўни кўзингизга қаролмайман, не қилай,
Тушларимда ҳатто ором ололмайман, не қилай,
Қолгин деманг, гуноҳ билан қололмайман, не қилай,
Жон-жонимга минг озорман, келмадингиз, онажон,
Ғарибдурман, нечун ҳолим билмадингиз, онажон...*

ЁДИНГДА ТУТ

*Ҳавас-ла 'яшаш, эй дўст,
Ҳар инсоннинг зийнати,
Зар билан ҳеч ўлчанмас
Эзгуликнинг қиймати.*

*Ҳалолмас ҳасадгўйнинг
Товоқдаги оши ҳам,
Увол эрмас заррача
Кўздан оққан ёши ҳам.*

*Ҳасад—ут, ёмон жуда,
Кул қилади борингни.
Оҳ- воҳ чексанг беҳуда,
Ким тинглайди зорингни.*

*Ҳавас дилни безаган
Энг покиза хислатдир.
Ёдингда тут, эй дўстим,
Ҳасад ёмон иллатдир.*

СЕНСИЗ

Орзуларим осмонида учган қушим,
Қўлларингга даста гуллар тутолмайман.
Худо шоҳид, ўзга билан йўқдир ишим,
Дунёсидан сенсиз яшаб ўтолмайман.

Бағрим эзиб қон айласа фарёдларим,
Раво кўриб дардни дилга ютолмайман.
Етим қолган муҳаббатнинг бошин эзиб,
Дунёсидан сенсиз яшаб ўтолмайман.

Согинчларнинг тиги тешса хаста жонни,
Ортингдан ҳам қанча қувмай, етолмайман,
Тополмадим сендек азиз меҳрибонни,
Дунёсидан сенсиз яшаб ўтолмайман.

Сен тамон йўл бермаса-да агар ҳижрон,
Умид узиб муҳаббатдан, кетолмайман.
Остонангда майли қилай жонни қурбон,
Дунёсидан сенсиз яшаб ўтолмайман.

Бошинамга шерик қилиб мусибатни,
Бахтимсиз деб ўзга ёрни кутолмайман.
Зор қақшатиб йиғлаётган муҳаббатни,
Дунёсидан сенсиз яшаб ўтолмайман.



2014/8 А 590	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

ОТАСИЗ ЎСГАН БОЛА

*Дунёда кўнгли ярим,
Тақдир бунча бераҳм.
Удир менинг жигарим,
Отасиз ўсган бола.*

*Дустига ҳавас билан
Қарайди, кўзида ёш,
Эҳ, шўрлик бу етим бош,
Отасиз ўсган бола.*

*Дунё аслида бир кам,
Гоҳо шодлик, гоҳо гам,
Ҳали келар бахтли дам,
Отасиз ўсган бола.*

*Онани бордир, ўксинма,
У отангдек парвона,
Онани кўнгли сендадир,
Отасиз ўсган бола.*

*Эзилди юрак-бағрим,
Ҳаёт бунча бераҳм.
Сенсан менинг жигарим,
Отасиз ўсган бола.*

КЕЛИНЧАК

*Бахтга тўла ҳаётнинг дарчасидан боқасан,
Эзгуликнинг чақнаган чирогини ёқасан,
Энди нозик бармоққа тилло узук тақасан,
Орзулари қордек оппоқ баҳоримсан, келинчак,
Ўзга уйнинг гулбоғида очилган бир бойчечак.*

*Оппоқ либос ярашибди гулдай нафис бўйингга,
Сўзим ростдир, ранжима ҳеч, бегонасан уйингга,
Биргалашиб келдик дўстлар, насиб айлаб, тўйингга,
Орзулари қордек оппоқ баҳоримсан, келинчак,
Ўзга уйнинг чаманида очилган бир бойчечак.*

*Отанг муштоқ, онанг муштоқ қарайверар йўлингга,
Аста-секин эшик очар хотиралар дилингга,
Эслармисан мени, бир кун расмим тушса қўлингга,
Орзулари қордек оппоқ баҳоримсан, келинчак,
Ўзга уйнинг гулбоғида очилган бир бойчечак.*

*Қувончданми келди дарров кўзларимга ҳалқа ёш,
Вақт тез ўтар, кечагина ахир эдик синфдош,
Ҳаёт шудир, бир инсонга бўладирсан сен йўлдош,
Орзулари қордек оппоқ баҳоримсан, келинчак,
Ўзга уйнинг чаманида очилган бир бойчечак.*

ТИРНОҚҚА ЗОР ОДАМЛАР

*Ўтар йиллар бирин-кетин армонларга эргашиб,
Яратгандан сўрайверар орзуларга ёндошиб,
Ўз-ўзига тойчоқ бўлар ерга тизза мингашиб,
Юрагида армони бор тирноққа зор одамлар.*

*Болам дейди ўнгида ҳам, алаҳсираб, тушида ҳам,
Неча йилки мана ҳануз унум йўқдир ишда ҳам,
Муштдаккина юрагида ўт чақнайди қишда ҳам,
Оқшом бедор, кундуз бемор тирноққа зор одамлар.*

*Танаси тик юрмоқдаю аммо эгикдир боши,
Мана эшик қоқиб кириб келди яна йил боши,
Ерда ётган хазон эрур унинг ёлғиз сирдоши,
Юрагида армони бор тирноққа зор одамлар.*

*Асли ҳаёт шундай эрур, гоҳи шодлик, гоҳи ғам,
Каттагина бу ҳовлида заррагина қувонч кам,
Бу дунёда бола кулса, яйраб кетади олам,
Юрагида армони бор тирноққа зор одамлар.*

*Маъзур тутинг, дардингизга бўлайин дедим шерик,
Ҳеч букилмай орзулардан ясай билингиз кўприк,
Кўзингизда қувонч порлар, бошингиз бўлгуси тик,
Юрагида армони бор тирноққа зор одамлар.*

АЗИЗ ДЎСТИМ...

*Умр ўтар, бир кун тугар ҳаётинг ҳам,
Фурсат етиб қайрилади қанотинг ҳам,
Юз ўғирар ҳатто сабру саботинг ҳам,
Азиз дўстим, отажонинг қадрига ет,
Азиз дўстим, онажонинг қадрига ет.*

*Бир кун келиб тополмайсан изларини
Қўлинг билан сила юзу кўзларини,
Қабул этгин ҳикмат деб ҳар сўзларини,
Азиз дўстим, отажонинг қадрига ет,
Азиз дўстим, онажонинг қадрига ет.*

*Қани айтгин, билгаймисан дардларини,
Қулоқ узмай тинглайсанми гапларини,
Варақлайди тақдир умр дафтарини,
Азиз дўстим, отажонинг қадрига ет,
Азиз дўстим, онажонинг қадрига ет.*

*Дуолари билан доим тан-жонинг бут,
Ҳар қадамда бўлгин мадад, қўлларин тут,
Улар учун, керак бўлса, жонингдан ўт,
Азиз дўстим, отажонинг қадрига ет,
Азиз дўстим, онажонинг қадрига ет.*

ЖОНИМИЗ ФИДО

*Сўзлари хастанинг дардига даво,
Хушламас дабдаба, кайф ила сафо,
Жонингиз асрасин меҳрибон Худо,
Сиз каби дўст учун жонимиз фидо,
Сиз каби дўст учун боримиз фидо!*

*Дунёда яхшилар кун эрур, аммо
Вафоли дўст топмоқ катта муаммо,
Тинч яшаб, хотиржам бўлинг доимо,
Сиз каби дўст учун жонимиз фидо,
Сиз каби дўст учун боримиз фидо.*

*Сиз учун аталган ҳар айтар сузим,
Ҳаётнинг кўркидир инсони азим,
Қўлларим кўксимда қиламан таъзим,
Сиз каби дўст учун жонимиз фидо,
Сиз каби дўст учун боримиз фидо.*

*Барчага азизсиз, ёқимли, манзур,
Йўлдошингиз бўлсин фароғат, хузур,
Борингиз учун ҳам қиламан шукур,
Сиз каби дўст учун жонимиз фидо,
Сиз каби дўст учун боримиз фидо!*

ШАББОДА

*Тонг саҳарда сен тамонга номам элтди шаббода,
Юрагимдан бир учқунни олиб кетди шаббода,
Хавотирман, саломимни у етказиб бордим,
Сендан ҳануз жавоб йўқдир, қайга етди шаббода?*

*Олисдаман, юзларингни силовмайди қўлларим,
Бир он менинг қўлим бўлиб, силаб қайтсин шаббода.
Ҳузуримга келсин тезроқ ифорингни етаклаб,
Секин-аста қўлоғимга исминг айтсин шаббода.*

*Термуламан йўлларингга, кўзларим зор-интизор,
Шаббодадан хабар кутиб орам билмайди юрак.
Сен ҳам унинг қанотида дилда боринг эт изҳор,
Бу дунёда менга, ёрим, ахир ўзга не керак.*

*Мудом соғ бўл, фақат сен ҳам мени соғиниб кутгин,
Унутмагин ҳижрон қанча тушса ҳамки орага.
Қалбинг қўри билан битган жавоб намангни тутгин
Мендан сенга элчи бўлган ўшал ҳур шаббодага.*

СОЛМАСИН СОЯ

*Кулинг, кулгингиздан олам яйрасин,
Сиздан илҳом олиб, қушлар сайрасин,
Дард ортига қайтсин, топсин ниҳоя,
Юзингизга қайгу солмасин соя.*

*Йўлингиз ёритар аъло кайфият,
Ҳамроҳингиз бўлсин соф, эзгу ният,
Кулсангиз мен учун шудир кифоя,
Юзингизга тайвиш солмасин соя.*

*Беғубор кулгуда хосият бисёр,
Ҳаёт гул очади мисоли баҳор,
Кулинг дейман такрор, эмас киноя,
Юзингизга армон солмасин соя.*

*Майин табассум-ла турибсиз, кулиб,
Мавжисиз дарёнинг, тошасиз тўлиб,
Бу қувноқ пандимга қилинг риоя,
Юзингизга гамлар солмасин соя...*

САВОЛ-ЖАВОБ

*Ғам ҳам асли меҳмон эрур, бир келади, кетади,
Қисматингда нелар бўлар, буни Худо билади,
Шод кунлар ҳам эшигингни аста чертиб келади,
Инсон гўзал ақл билан, кўрк бахш этар одоби,
Ҳар бир босган қадамингни бордир савол-жавоби.*

*Ёлгончига ён босмагин, қингир ишин тўғри деб,
Беғуноҳга тухмат қилма, қаранг, ана ўғри, деб,
Бигиз қилма қўлларингни ночор, қадди эгри деб,
Эгилмаган бошни эгиб, тортиб қўяр танобин,
Ҳар бир босган қадамингни бордир савол-жавоби.*

*Бугунингни ўйлама, қўй, вафо қилмас сенга ҳеч,
Синовларга қўл силтамай мушуқларинг барин еч,
Қингир йўлдан қайтгин энди бўлмасидан туриб кеч,
Либос бўлсин яхши амал, кўпдир унинг савоби,
Ҳар бир босган қадамингни бордир савол-жавоби.*

*Ҳузур қайда, айтайми, дўст, фақат яхши амалда,
Қадринг осмон айлаган ул роҳат яхши амалда,
Эл ичида эҳтирому ҳурмат яхши амалда,
Эринмасдан варақлаб оч ҳақиқатнинг китобин,
Ҳар бир босган қадамингни бордир савол-жавоби.*

ЮР, КЕТАМИЗ...

Кўнглим, юр, кетамиз олисларга жим,
Покиза ҳислардан ясаймиз карвон.
Бундан бошқа йўқдир ахир иложим,
Армонлар кўксимга қўймоқда нарвон.

Сўзлама кўкламга, майсаларга сен,
Балки қуёш барин этади ошкор.
Кўксингга қадайман ишончимни мен,
Ишончим тумордир, этмайман инкор.

Балким топадурмиз бир куни келиб
Гулларга бурканган остонамизни.
Қуёш-ла ўйнашиб, сабодек елиб,
Нурга тўлдирамиз қошонамизни.

Жон кўнглим, келақол, қўлларингни бер,
Исёнкор ҳасратлар нима деса дер,
Шод бўлиб қувна сен, ранжима асло,
Дош беролмай армон, ўз бошини ер.

Кўнглим, юр, кетамиз олисларга жим,
Бахт қасрин иккимиз этамиз бунёд.
Сездирма, сезмасин сиримиз ҳеч ким,
Эркалатсин бизни гўзал бир ҳаёт.

ЯХШИ ОДАМЛАРГА

*Бебаҳо неъматдир яхши одамлар,
Одоби зийнатдир яхши одамлар,
Нафақат бу дунё, охирада ҳам
Топгани иззатдир яхши одамлар.*

*Ўз қадрини билиб яшарлар аҳил,
Савоб ишлар қилар, эмаслар баҳил,
Ўзинмас, ўзганинг гамини ейди,
Шу боис бошларин силайди тақдир.*

*Уларга доимо келар ҳавасим,
Яхши одамлардан жуда кўп қарзим,
Чарогон этарлар ҳаётимизни,
Чексиз ҳурмат билан қиламан тазъим.*

*Бир гузал боғдирсиз, меваси ларзон,
Ҳайбатли тоғдирсиз, ёрингиз—осмон.
Ҳамиша бор бўлинг, яхши одамлар,
Сиз сабаб барқарор замини замон.*

ҚИЗЛАРЖОН

*Ҳой қизларжон, қизларжон,
Яшнаб турган оймисиз,
Бўйингизда дур маржон,
Эрка оққан соймисиз.*

*Йигитлар отган тоши
Йўлингизда саноқсиз,
Куласиз шод, беармон,
Ғам- андуҳдан йироқсиз.*

*Минг ўралган соч қани,
Қани жилодор атлас.
Лабингиз буриб кетманг,
Сўзим тинглангиз бирпас.*

*Ғофлат босган кўзингиз
Вақт барида очингиз.
Аҳди пуч йигитлардан
Етти қадам қочингиз.*

*Ҳеч ранжиманг, қизларжон,
Ғап эгасин топади.
Ўз қадрин билмаган қиз,
Қинғир йўлга чопади...*

ХАТОЛАРИМ БОР

*Баъзида тилаклар ушалмай қолса,
Армонлар юракда аланга олса,
Дўстларим сирларим бозорга солса,
Бошимда ташивишу завголарим бор,
Ўйласам, қайдадир хатоларим бор.*

*Бахтиёр кунлардан бўлиб умидвор,
Орзулар эшигин очсаида такрор,
Гулнинг тиконидан чекканда озор,
Маҳзун ва аламли наволарим бор,
Ўйласам, қайдадир хатоларим бор.*

*Барисин бир кун тушуниб етар,
Ердаги тошларга арзини айтар,
Балким бир дард эмас, бахтларим қайтар,
Ҳам кўриб- кўрмаган савдоларим бор,
Ўйласам, қайдадир хатоларим бор.*

*Эътирозим йўқдир, тақдирдан бари,
Шундай ўтиб борар умрим кунлари,
Ойга дил очаман баъзан тунлари,
Қалбим ичра пинҳон нидоларим бор,
Ўйласам, қайдадир хатоларим бор.*

ҚАЕРГА КЕТМОҚДА?..

*Инсонга бир марта берилар умр,
Шубҳасиз, бу дунё синов дунёдур,
Қай томон элтмоқда чексиз қадамлар,
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?*

*Ўткинчи ҳаваслар отига миниб,
Кимнингдир умиди бормоқда синиб,
Неларни деб чекар бунча ситамлар,
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?*

*Умримизни шамга этайлик қиёс,
Ёғду бериб туриб ўчади бехос,
Тўлмайин қолади қанчалаб камлар,
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?*

*Дунёнинг сирини ким англайди, ким,
Минг уриниб, охир кетаверар жим,
Бир-бирини туртиб ташлар қадамлар,
Манзилга етарми шунча одамлар?..*

Мундарижа

Онамсан, Ватан!..	3
Суянч тоғим	4
Бағишлов	5
Орзулар бекати	6
Садоси бўлиб	7
Шукрона	8
Ой ноласи	9
Сен учун	10
Ўтганлар ёди	11
Илхомим...	12
Гўзал муҳаббатим...	13
Билмадингиз	14
Келмадингиз, онажон...	15
Ёдингда тут	16
Сенсиз	17
Отасиз ўсган бола	18
Келинчак	19
Тирноққа зор одамлар	20
Азиз дўстим...	21
Жонимиз фидо	22
Шаббода	23
Солмасин соя	24
Савол-жавоб	25
Юр, кетамиз...	26
Яхши одамларга	27
Кизларжон	28
Хатоларим бор	29
Қаерга кетмоқда?..	30

1500 с.ғ.м.

Адабий-бадший нашр

Гулрухсор ОМОНДИНОВА

ОРЗУЛАР БЕКАТИ

(Шеърлар)

<i>Муҳаррир:</i>	<i>А. Содиқов</i>
<i>Техник муҳаррир:</i>	<i>Н. Ҳошимов</i>
<i>Саҳифаловчи:</i>	<i>С. Ҳасанов</i>

Нашриёт лицензияси: А.І. № 162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 03.09.2012 й. Босишга рухсат этилди:
23.09.2013 й. Босма тобоғи 1,0. Қоғоз бичими 84x108_{1/32}.
Times New Roman гарнитураси. Офсет усули. Адади: 1000
нусха. Буюртма № 1879 . Баҳоси келишилган нарҳда.

«Фарғона» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темур кўчаси, 28-уй

«ПОЛИГРАФ-ПРЕСС» МЧЖ босмаҳонаси.

151111. Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «б» уй.